



# ЎЗБЕКИСТОН ОҶОҶИ

• 2013-yil, 28-mart. Payshanba • 37 (31.627)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 27 март куни Оқсаройда Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ерлан Идрисовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги очиқ ва самарали муносабатлар ҳамда кўп қиррали ҳамкорлик мамлакатларимиз ва халқларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига хизмат қилишини, аънанавий чуқур тарихий илди-ларга асосланишини ва бугунги кунда барча асосий йўналишлар бўйича изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Қозоғистон ташқи ишлар вазири Президент Нурсултон Назарбоев номидан Ўзбекистон Президенти ва халқига эзгу тилаклар ва чуқур ҳурмат-эҳтиром изҳор этди.

Учрашууда мамлакатларимиз яқин қўшнилар ва вақт синовидан ўтган шериклар сифатида хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашдан, бир-бирининг ва бутун минтақанинг бардавом ривожланиши ва тараққиётидан бирдай манфаатдор экани қайд этилди.

Давлатлараро мунтазам мулоқотлар, икки томонлама ва халқаро аҳамиятга молик кенг қўламли масалалар юзасидан фикр алмашувлар ўзаро манфаатли ва самарали, ҳозирги босқичда стратегик шериклик даражасига кўтарилаётган ҳамкорликни янада раванқ топтиришга хизмат қилмоқда.

Томонлар БМТ, ШХТ, МДХ, Халқаро Оролни қўқариш жамғармаси каби глобал ва минтақавий тузилмалар доирасида фаол ва самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўтган йил яқунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,75 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистон ва Қозоғистон минтақадаги энг йирик савдо шериклар сифатида ушбу гоёт муҳим соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор.

Учрашууда минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ў.З.А

## БАРЧА ЙЎНАЛИШЛАРДАГИ ИШЛАРИМИЗНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИДИР



Санжар ШОТУЛГАНОВ олган суратлар.

ФАҚАТ АМАЛИЙ НАТИЖАГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН

лойиҳа ва ташаббусларни кўпайтириш зарур

⇒ 2

ТОғЛАР УЗРА ҚАД РОСТЛАГАН МАЪРИФАТ МАСКНИ

⇒ 4



Ўзбекистон миллий терма жамоаси:

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

⇒ 4



## ТУРМУШ ОБОДЛИГИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШ УЧУН

партия фаоллари, депутатлар қатъийлик ва жонқуярлик билан фаолият кўрсатиши зарур

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг VII пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Марказий тафтиш комиссияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия фракцияси ҳамда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, ҳудудий партия ташкилотлари етакчилари, партия фаоллари иштирок этди.

⇒ 2

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

28 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси очилади. Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлажак ялпи мажлисни ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳақидаги ахбороти тинланди.

Сенат кўмиталарининг раислари кўмиталарда ўтказилган мажлислар ва ўн биринчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар юзасидан хулосалар ҳамда бошқа масалалар бўйича қарорларнинг лойиҳалари тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, ялпи мажлис ишини ташкил этиш юзасидан фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида 17 та масала, шу жумладан, 7 та қонун кўриб чиқиши назарда тутилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Кенгаш аъзолари Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш мақсадида тайёрланган ҳамда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг муҳимлигини алоҳида қайд этдилар.

Бундай қонунлар жумласига «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» (янги тахрири), «Фуқаролар йи-

ғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида» (янги тахрири), «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида» (янги тахрири), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида» (янги тахрири) ратификация қилиш ҳақида» (Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, бир қатор бошқа қонунлар кирди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатларига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

### Долзарб мавзу

## СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ТЕЖАМЛИ ФОЙДАЛАНИШ — ҲАЁТИЙ ЗАРУРИЯТ

Ўзбекистон мустақиллик йилларида:

— Фойдаланилаётган сувнинг умумий миқдори ўтган асрнинг 80 йилларига нисбатан йилига 64 млрд/м³ дан ўртача 51 млрд/м³ (ўртадаги фарқ — 13 млрд. метр куб)гача камайтирилди;

— Истиқлолгача бўлган даврда 1 гектар суғориладиган майдонга 10-11 минг метр куб сув ишлатилган бўлса, бугун бу кўрсаткич 6-7 минг метр кубни ташкил этади;

— Жами суғориладиган 4,3 млн. гектар ер майдонини сув ресурслари билан таъминлашда 180 минг км суғориш тармоқлари, 160 минг донна сув хўжалиги иншоотлари, шу жумладан 800 дан ортиқ йирик гидротехник иншоотлар, умумий ҳажми 19,2 млрд/м³ бўлган 55 та сув омборлари, йиллик электр энергиясининг умумий сарфи 8,2 млрд. кВт қувватга тенг 1614 та насос станциялари, 4124 та тик суғориш кудуқлари фаолият кўрсатмоқда;

— Ўтган асрнинг 80-90-йилларида 4,0 млн. гектар умумий суғориладиган ерлардан 2,0 млн. гектари (50 фоизи) да пахта етиштирилган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич бор-йўғи 1,2 млн. гектарни ёки жами суғориладиган майдонларнинг 30 фоизини ташкил этади;

— Шולי майдонлари 180 минг гектардан 40 минг гектаргача камайтирилди. Суғориладиган ерларнинг бошқа қисмини сувни кам талаб қиладиган ва инсон яшаши учун зарур бўлган бошоқли дон, сабзавот-полииз ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари эгаллади;

— Сув ресурсларини маъмурий бошқарув тамойилидан ҳавзавий бошқарув тамойилига ўтказиши сувни самарали бошқариш ва адолатли тақсимлаш имконини берди. Ҳозирда 10 та ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, 63 та ирригация тизимлари ва магистрал каналлари бошқармалари фаолият юритиб келмоқда. Шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликлари ўртасида сув муносабатларини тартибга солувчи 1501 та Сув истеъмолчилари уюшмалари ташкил этилди.

⇒ 3

### ЎзХДП: устувор вазифалар

## МАФКУРАВИЙ ЙЎНАЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРМАСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДГА ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг VII пленуми олдиндан мафкура, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар, ижтимоий сиёсат ва аҳоли бандлиги, хотин-қизлар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ташкилий кадрлар ва молия-иқтисод йўналишлари бўйича шўъба йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда жорий йилда ЎзХДП фаолиятини янада самарали ташкил этиш бўйича энг муҳим устувор вазифалар муҳокама этилди.

Шўъба йиғилишларида партия Марказий Кенгаши, Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Марказий Кенгаш ҳамда минтақавий партия кенгашлари масъул ходимлари, экспертлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, партиянинг марказий ва маҳаллий газеталари бош муҳаррирлари, мухбирлари ҳамда бошқа ОАВ вакиллари иштирок этди.

⇒ 2

## ПАРТИЯ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАЛАРИ

фаолиятини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда

Сиёсий партиянинг гоёси, дастурий мақсадлари қанчалик ҳаётий бўлмасин, уларнинг амалга ошириш, аввало партия ташкилотларида фаолият кўрсатаётган кадрларга боғлиқдир. Шу боис кадрлар салоҳияти ва ташкилотчилик қобилиятини шакллантириш партия тизимидаги ишларни изчил ташкил этиш, электротат манфаатларини самарали ҳимоя этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЎзХДП ташкилий тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштиришга бағишланган шўъба йиғилишида асосий эътибор ана шу масалаларга қаратилди. Жумладан, унда партия фаолиятининг ташкилий жиҳатлари, бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг маҳаллий партия ташкилотлари билан изчил ишлашга эришиш, кадрлар захирасини мунтазам равишда шакллантириш ҳамда аъзоларнинг электрон ҳисобини юритиш каби долзарб масалалар муҳокама этилди.

⇒ 2

# МАФКУРАВЙ ЙЎНАЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРМАСДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДГА ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ

Мафкура, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар шўбаси йиғилишида **партия дастурий мақсад ва вазифалари ҳамда демократик ислохотларнинг хозирги босқичда уларни такомиллаштириш масалалари** кўриб чиқилди.

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Фуломов** бу йўналишдаги устувор вазифалар ҳақида фикр юритди.

— Партия ташкилотларининг мафкуравий фаолияти дастурий мақсадларимизга эришиш ҳамда электротат ишончини мустаҳкамлашда алоҳида аҳамиятга эга, — деди ҲДП етакчиси. — Шундай экан, партияимиз сиёсий мафкурасини янгилаш, электротатимиз ижтимоий таркибини ўрганиш, манфаатлари ва ҳаётий эҳтиёжларини аниқлаш, уларни янада тўлароқ қондириш учун изчил иш олиб боришимиз зарур. Бунинг учун янги қонунлар қабул қилиш ва амалдаги қонунларни янада такомиллаштириш борасида ташаббуслар билан чиқиб долзарб масалалар. Амалдаги қонунлар ижроси сўзсиз таъминлашига эришиш мақсадида парламент ва жамоатчилик назоратини ташкил этиш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари даражасида тизимли қарорлар қабул қилишга қаратилган ташаббусларни кучайтириш зарур.

Партия раҳбари шунингдек, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида семинарлар ташкил этишда изчиллик этишмаётгани, маҳаллий даражада замонавий ўқув-маърифий технологияларга етарли эътибор берилмаётгани, долзарб ижтимоий-сиёсий воқеаларга бағишланган мавзулар айрим маҳаллий ташкилотлар томонидан анча кеч кўриб чиқилаётганини танқид қилди. Масалан, Навоий, Жиззах ва бошқа баъзи вилоятларнинг айрим туманларида бундай ҳолатни қузатиш мумкин. Мустаҳкам оила йили Давлат дастурини амалга оширишда маҳаллий ва бошланғич ташкилотларнинг иштирокини таъминлашга оид мавзулар эса Андижон вилояти Балиқчи туманида, Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида 2012 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида кўрилди. Ваҳоланки, бу вақт мазкур йўналишдаги ишларни таҳлил этиш, хулосалар чиқариш пайти ҳисобланади.

Умуман олганда, бу тизимни такомиллаштириш, партия кадрлари ва фаоллари сиёсий маданиятини оширишга устувор аҳамият қаратиш зарур, деди Л.Фуломов. Бунда миллий ғоя, маънавият асослари, давлат қурилиши ва ҳуқуқ, иқтисодиёт асослари, ҲДП сиёсий мафкурасининг ўзига хос хусусиятлари йўналишлари диққат марказимизда бўлиши шарт.

Партия электротати вакиллари билан мақсадли ижтимоий-сиёсий тадбирлар ўтказишда мажлисбозликдан қочиб лозим. Афсуски, баъзи туман ва шаҳарларда катта мажлислар залларида 100 дан ортқ иштирокчи билан «давра суҳбати» деб номланган учрашувларни ўтказиш одат бўлиб қолган. Афсуски, бундай аудитория билан яқин ва мақсадли мулоқот қилишнинг иложи йўқ. Партия ташкилотлари аҳоли билан олиб борадиган ишларида замонавий шакллардан фойдаланиши зарур.

Электротат билан ишлашда замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланиш зарурлигини шунчаки уқтиришдан ижтимоий-сиёсий тадбирлар ўтқа-

зишда аниқ технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ўтиш зарур. Ижтимоий-сиёсий тадбирларни катта қилиб ўтказишга эмас, балки ҳар бир тадбир партия электротати манфаатларига хизмат қиладиган аниқ ижтимоий натижа олиб келишига асосий эътиборни қаратиш талаб этилмоқда.

Барча йўналишдаги ишларимизни услубий жиҳатдан таъминлашда ҲДП Марказий Кенгаши Ахборот-ресурс маркази ва жойлардаги ахборот-маърифат хоналари ишининг самарадорлиги сезиларли равишда ошиши, бунда партиянинг бошланғич ташкилотларига услубий ва амалий кўмак бериш ишларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки партиянинг аҳоли билан бевосита мулоқот қилувчи асосий бўлини бошланғич ташкилотлардир.

Партияимиз матбуотида босилаётган материаллар мазмуни ва сифати янада ошишга эришиш лозим. Марказий ва маҳаллий газеталаримиз партиянинг асосий ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий мақсадлар бўйича позициясини аниқ ифода этиб, электротатимиз мақсадларидан келиб чиққан ҳолда олиб бораётган ишларимизнинг амалий натижаларини яққол кўрсатиб бериши лозим.



**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева** партия мафкуравий сиёсатининг самарадорлигини ошириш, бу борада янги воситалар, усуллар ва шаклларда иш юритиш, мафкуравий таъсир ўтказиш йўллари, электротатга янада яқин бўлишни таъминлашга қаратилган тадбирлар хусусида тўхталди. Шунингдек, партия Марказий Кенгаши томонидан ишлаб чиқилаётган услубий қўлланмаларни ўз вақтида кўри таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

— Партиявий тадбирларни тайёрлаш жараёнига алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайман. Учрашув, давра суҳбати, семинар-тренинглари албатта ёруғ ва кенг, замонавий залларда ташкил этилиши зарур. Одатда оммавий ахборот воситалари бундай тадбирлар орқали партиянинг муайян масалага муносабати, позициясини ўрганиш ҳамда жамоатчилик эътиборига ҳавола этишни истайди. Табиийки бунда фото, видео тасвирлардан кенг фойдаланамиз.

Бундан ташқари, партия фаоллари, депутатларини ОАВ учун интервью беришга тайёрлашга жиддий эътибор қаратиш зарур. Сабаби шу биргина интервьюда кўп нарса акс этади. Кишилар партия вакилининг айтаётган сўзи, қандай масалани кўраётганига қараб партияга баҳо беради.

**Хуршид ФАЙЗИЕВ**, **ЎзХДП Наманган вилоят кенгашининг «Халқ иродаси» газетаси бош муҳаррири:**

— Газетамизнинг деярли ҳар бир сониде депутатларимизга минбар берилади. Улар ўзларининг депутатлик фаолияти натижаларини ҳақида ахборот бериб бормоқдалар. Аммо депутатлар,

лик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш секторлари муҳим роль ўйнайди. Матбуот хизмати ўтказилаётган тадбирларнинг ОАВда самарали ёритилишини ташкил қилиш, улар ҳақида матбуот хабарномаларини тайёрлаш, журналистлар билан ҳамкорлик қилиш, ижодий ишлаш, партия позициясини ва ташкил этилаётган тадбирнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишга бевосита масъулдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим жойларда жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқаларимиз тизимли йўлга қўйилмаган, матбуот хизматида етарли малакага эга бўлмаган кадрлар фаолият кўрсатмоқда.

ЎзХДП фаолияти, мақсад-вазифалари, электротат манфаатига жавоб берадиган амалий ишлари ҳақида кенг жамоатчиликка аниқ ва тўғри маълумот етказиш бизга боғлиқ. Жойларда учраётган муайян ижтимоий муаммо ва камчиликларга партия қандай муносабат билдираётгани, уларни ҳал этиш борасида қандай ғояларни илгари сураётгани эркин кўрсатиб беришимиз зарур. Шу орқали жамоатчиликка партияимиз, унинг депутатлари фаолияти ҳақида тўғри тасаввур уйғонади, партияимизга хайрихоҳлар сафи кенгайди.



**Бектош АЗИМОВ**, **Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телерадиокомпанияси «Давр» ахборот информацион дастурлари бош муҳарририга тасвир қилиш:**

— Партиявий тадбирларни тайёрлаш жараёнига алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайман. Учрашув, давра суҳбати, семинар-тренинглари албатта ёруғ ва кенг, замонавий залларда ташкил этилиши зарур. Одатда оммавий ахборот воситалари бундай тадбирлар орқали партиянинг муайян масалага муносабати, позициясини ўрганиш ҳамда жамоатчилик эътиборига ҳавола этишни истайди. Табиийки бунда фото, видео тасвирлардан кенг фойдаланамиз.

Бундан ташқари, партия фаоллари, депутатларини ОАВ учун интервью беришга тайёрлашга жиддий эътибор қаратиш зарур. Сабаби шу биргина интервьюда кўп нарса акс этади. Кишилар партия вакилининг айтаётган сўзи, қандай масалани кўраётганига қараб партияга баҳо беради.

**Хуршид ФАЙЗИЕВ**, **ЎзХДП Наманган вилоят кенгашининг «Халқ иродаси» газетаси бош муҳаррири:**

— Газетамизнинг деярли ҳар бир сониде депутатларимизга минбар берилади. Улар ўзларининг депутатлик фаолияти натижаларини ҳақида ахборот бериб бормоқдалар. Аммо депутатлар,

депутатлик гуруҳлари фаолиятининг нафақат ижобий томонлари, балки камчиликларини ҳам таҳлил этиш ва танқид қилиш зарур.

Очик тан олиш керак, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги ҲДП депутатлик гуруҳлари орасида суст ишлаётганлари оз эмас. Улар партия электротати манфаатларини ҳимоялаш, турли ижтимоий масалаларни депутатлик ваколатлари асосида ҳал этиш жараёнида етарли ташаббус кўрсатмаёпти. Ислохотларнинг ижтимоий самарадорлиги ошишига ҳалақит бераётган камчиликларни бартараф қилишда қатъият ва талабчанлик этишмайпти.

Шундай экан, биз нега улар фаолиятини танқид қилмаслигимиз керак? Бу йўналишдаги мақолаларни кўпайтириш орқали биз нафақат матбуот, балки партияимиз олдида турган вазифаларини ҳам адо этишга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

**Чори ЖУМАКУЛОВ**, **ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгашининг «Халқ йўли» газетаси бош муҳаррири:**

— «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун сиёсий партияларга кенг ваколатлар бергани, нафақат партияларнинг, балки, улар матбуотининг зиммасига ҳам катта масъулият юклади. Демак, партияимизнинг ҳудудий наشرлари олдида фуқароларнинг сиёсий маданиятини ошириш, электротатимиз ҳамда жамоатчилик эътиборини юртимизда содир бўлаётган сиёсий жараёнларга, ривожланишимизга тўсиқ бўлаётган муаммоларга қаратиш вазифалари турибди.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид дастурлар ижросида ижро ҳоқимияти ва бошқарув идораларининг айрим камчиликларини партияимиз матбуоти саҳифаларида дадил кўтариб чиқиш зарур.

**Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ**, **«Ўзбекистон овози» газетасининг Қорақалпоғистон Республикасидаги муҳбири:**

— Хар бир сиёсий партиянинг наشري партия ҳаётини ёритишда ўзига хос йўлни тахлаган. Менимча, бу борада баҳс-мунозара усулларида кўпроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Партия фаолларининг электротат манфаати билан боғлиқ бирор-бир масала юзасидан ўзаро баҳс-мунозараларини ташкил этиш керак. Партия ташкилотлари томонидан ўтказилаётган турли тадбирларда бўладиган баҳсларга ҳам шу тадбир тафсилотларини ёритаётганда алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайман. Агар партияий тадбирлар эски усулларда, турли тортишувларсиз, зерикарли ўтадиган бўлса, бундай тадбирлар ҳақида танқидий материалларни газеталаримизда эълон қилиб ботиш амалиётини ҳам йўлга қўйиш вақти келди.

Шунингдек, йиғилишда партиянинг жамоатчилик билан алоқаларини мустаҳкамлашда замонавий PR технологиялардан фойдаланиш, партия ҳамда унинг депутатлик корпуси фаолиятини ёритишнинг замонавий усуллари, партиянинг ижобий имижини шакллантириш масалалари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилиш якунида тегишли йўналишлардаги ишларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Бекзод ШУКУРОВ**



## ТУРМУШ ОБОДЛИГИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШ УЧУН

**партия фаоллари, депутатлар қатъийлик ва жонқуярлик билан фаолият кўрсатиши зарур**

Пленумда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган партияимиз электротат манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлган, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг амалий иштирокини кучайтиришга қаратилган масалалар чуқур муҳокама қилинди.

Кун тартибидеги масалалар юзасидан ҲДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Фуломов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев, шунингдек, партия Марказий Кенгаши ҳамда фракцияси аъзолари, ҳудудий партия кенгашлари етакчилари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари сўзга чиқди.

Шунингдек, пленумда ҲДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисида ва партиянинг ўтган йилги бюджетини ижросига оид ҳисоботлар кўриб чиқилди.

Пленумда муҳокама қилинган масалалар, барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини изчил кучайтириш бўйича билдирилган фикр-мулоҳазалар тафсилоти билан газетамизнинг кейинги сонларида танишасиз.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ**

## ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

# ФАҚАТ АМАЛИЙ НАТИЖАГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН

**лойиҳа ва ташаббусларни кўпайтириш зарур**

**ЎзХДП «Фаол аёллар» қанотининг шўба йиғилиши қанот фаолиятини такомиллаштириш ва иш самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланди.**

**Таъкидландики, қанот томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий билими ва фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш, касаначилиқнинг самарали шакллари ташкил этишга кўмаклашиш, уларни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш мақсадида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича муайян ишлар амалга ошириляпти.**

Хусусан, 2012 йилда қанот томонидан «Мустаҳкам оила — жамият таянчи» лойиҳаси ва бошқа ижтимоий йўналтирилган мақсадли тадбирлар ўтказилди. Натижада 800 нафардан зиёд хотин-қизнинг бандлиги таъминланди, шундан 700 га яқини касаначилик фаолиятига жалб қилинди. 10 дан ортқ маънавий ҳизмат кўрсатиш шохобчаси очилишига ёрдам кўрсатилди.

Бироқ шунга қарамай, қанотнинг айрим туман ва шаҳар бўлимлари талаб даражасида фаолият юритмаёпти. Хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирларда изчиллик этишмайпти. Бу каби камчиликлар жойларда хотин-қизлар манфаати, қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ масалаларни тизимли ўрганиш, шу асосда иш юритиш имконини чекламоқда.

Шўба йиғилишида сўзга чиққан **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ҲДП фракцияси аъзоси Комила Каромова**, «Фаол аёллар» қаноти етакчиси **Мухтасар Абдурахмонова** қанот фаолиятини атрофлича таҳлил қилиб, йўл қўйлаётган камчиликларни бартараф этиш бўйича ўз тақлифларини билдирди.

Шўба йиғилишида хотин-қизлар ҳуқуқий билимини юксалтириш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал қилишда

халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутат аёлларимиз салоҳияти ва имкониятларидан унумли фойдаланиш мақсадида тадбирлар ўтказилди. Натижада 800 нафардан зиёд хотин-қизнинг бандлиги таъминланди, шундан 700 га яқини касаначилик фаолиятига жалб қилинди. 10 дан ортқ маънавий ҳизмат кўрсатиш шохобчаси очилишига ёрдам кўрсатилди.

Бироқ шунга қарамай, қанотнинг айрим туман ва шаҳар бўлимлари талаб даражасида фаолият юритмаёпти. Хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирларда изчиллик этишмайпти. Бу каби камчиликлар жойларда хотин-қизлар манфаати, қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ масалаларни тизимли ўрганиш, шу асосда иш юритиш имконини чекламоқда.

Шўба йиғилишида сўзга чиққан **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ҲДП фракцияси аъзоси Комила Каромова**, «Фаол аёллар» қаноти етакчиси **Мухтасар Абдурахмонова** қанот фаолиятини атрофлича таҳлил қилиб, йўл қўйлаётган камчиликларни бартараф этиш бўйича ўз тақлифларини билдирди.

Шўба йиғилишида хотин-қизлар ҳуқуқий билимини юксалтириш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал қилишда

**Лозина ШЕРОВА**, **«Ўзбекистон овози» муҳбири.**

# ПАРТИЯ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАЛАРИ

**фаолиятини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда**

Шўба йиғилишида **Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Фуломов** иштирок этиб, мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни ҳамда масъулияти тобора ошиб бораётган бугунги даврда кадрлар масаласини ҳал этиб бориш партия ташкилотлари олдидаги энг муҳим вазифалардан бири эканига алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, партия ташкилотлари етакчиларини тайёрлаш, самарасиз фаолият кўрсатаётган куйи партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш, аъзоларнинг ижтимоий-сиёсий билими ва фаоллигини ошириш, бу борада аниқ чоралар белгилаш зарурлигини қайд этди.

— Бугунги кунда партия тизимида 10150 та бошланғич ташкилот маъжуд, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши**

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

**ташкилий-кадрлар ишлари бўлим мудири Зокиржон Холматов.** — Улардан 4421 таси ҳудудий ташкилот ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, куйи ташкилотлар ишини жонлантириш мақсадида ҲДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси Хайъатининг «Бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Мазкур қарорда партия аъзоларига номзодлар танлаш ва аъзолик гузарономаларини топшириш, БПП етакчилари иштирокида тизимли семинар-тренинглари ўтказиш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Мазкур қарор ижроси юзасидан Андижон, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар партия кенгашлари фаолияти ўрганиб чиқилди. Бошланғич партия ташкилотлари ишини самарали ташкил этиш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилди. Бунинг на-

тижасида қўлаб бошланғич ташкилотлар ишида жонланиш сезилмоқда.

**Афсуски, айрим партия ташкилотлари ҳали-ҳануз кадрлар билан ишлаш масаласига жиддий эътибор қаратаётган эмас. Хусусан, Сирдарё ва Навоий вилоятларининг айрим шаҳар ва туман партия кенгашлари партия аъзолари ҳисобини юритиш, бошланғич ташкилотлар етакчилигига замонавий фикрлайдиган, сиёсий фаолиятга қизиқувчан ва қобилиятли ёш кадрларни тайёрлаш, партия сафига муносиб кишиларни қабул қилиш, бошланғич ташкилотларда ишни изчил ташкил этиш борасида сусткашликларга йўл қўймоқда.**

Шўба йиғилишида бу камчиликлар бартараф этилмаса, партия ғояларига хайрихоҳ аҳоли вакиллари кўпайти-

риш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя этишдан қўзланган на-тижаларга эришиб бўлмаслиги қайд этилди. Кадрлар билан ишлашда лоқайдлик ва эътиборсизлик қилаётган партия ташкилотлари фаолияти аниқ мисоллар асосида таҳлил қилинди. Уларни бартараф этиш, партиянинг ташкилий тузилмаларини иш-ни тизимли йўлга қўйиш юзасидан партия етакчилари ҳамда мутасадди ходимларнинг фикр-мулоҳазалари тинг-ланди.

**ЎзХДП Марказий Кенгаши ташкилий-кадрлар ишлари бўлим мудири ўринбосари Аваз Саидов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Зиёвуддин Мансуров, Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Учқун Шойимқулов, Наманган ви-**

# СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ТЕЖАМЛИ ФОЙДАЛАНИШ ҲАЁТИЙ ЗАРУРИЯТ

## СУВ, БУ – ҲАЁТ, ТАРАҚҚИЁТ

Азаддан ота-боболаримиз сувни муқаддас неъмат билиб, унинг ҳар томчисидан самарали ва тежамли фойдаланишган. Чунки, сув ресурсларининг миқдори ва сифати жамиятнинг барқарор ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини белгилайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ҳам мамлакатимиз тараққиётида сув ресурслари алоҳида ўрин тутади.

Маълумки, республикамиз ҳудудда 11,47 км<sup>3</sup> миқдорда ички сув ресурслари шаклланиб, шундан 4,82 км<sup>3</sup> – Амударё ҳавзасига, 6,65 км<sup>3</sup> – Сирдарё ҳавзасига тўғри келади. Қолган 80 фоиздан ортиғи эса, трансчегаравий сув ресурслари ҳисобига тўлдирилади.

Умуман, мамлакатимиз иқтисодиётида жами ишлатилаётган сувларнинг 88 фоизи қишлоқ ҳўжалиги ҳиссасига тўғри келади, қолгани – маиший хизмат кўрсатиш соҳаси – 8 фоиз, энергетика – 1,5 фоиз, саноат – 2 фоиз, балиқчилик – 0,5 фоизни ташкил этади.

Бундай ҳолат ўз-ўзидан мавжуд сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни ташкил этиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ҳўжалиги иншоотлари техник ҳолатини яхшилаш ва уларни модернизация қилиш, сувни тежаш технологияларини кенг қўлдан да жорий этиш, сув ҳўжалиги ташкилотларининг техник базасини мустаҳкамлаш, сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини янада яхшилаш, соҳа мутахассисларининг малакасини оширишга қаратилган ишловларни тақозо этади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун тегишли ҳуқуқий асослар яратилиши зарур бўлади.

## ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА МАҲСУС ДАСТУРЛАР

2009 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунига сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг мажбуриятларини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқий мақомлари, вазифаларини аниқ белгилашга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигидан олинган маълумотга кўра, айти пайтда Сув Кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Сув ҳўжалиги иншоотларини замонавийлаштиришга давлат бюджетидан жуда катта маблағ ажратилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Республика бўйича ҳар йили ўн минглаб километр магистрал каналлар, суғориш ва нов тармоқлари, қанчалар гидротехник иншоотлар ва гидропостлар тозаланади ва таъмирланади, техник ҳолати яхшиланади. Натижада, сувни тежкор бошқариш ва истеъмолчиларга ўз вақтида кафолатли етказиб бериш имконияти яратилиб, суғориш тармоқларидаги техник ва филтратсияга йўқолишлар сезиларли даражада камаяди.

2007 йилда Президентимиз-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

нинг Фармонида кўра, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Жамғармаси ташкил этилиши, 2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат Дастурининг қабул қилиниши, бу борадаги ишлар сифатини янги босқичга кўтарди. Вазирлик маълумотларига кўра, Жамғарма томонидан 2008-2012 йилларда биргина коллектор-дренаж тармоқларини куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишларига жами 750 млрд. сўм миқдорда маблағ ажратилган. Ушбу маблағ 3,56 минг км коллектор-дренаж тармоқлари, 143 дона мелиоратив насос станциялари, 797 дона вертикал дренаж қўдқларини реконструкция қилиш ва куриш ишларига, шунингдек, минглаб километр зовур-дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишларига, 1500 га яқин замонавий, юқори унумли мелиоратив техника ва механизмларни олиб келишга сарфланган.

Энг асосийси, маблағларнинг мақсадли йўналтирилиши натижасида, 20-30 йилдан буён режалаштирилаётган бир қатор йирик мелиоратив объектлар курилиши тугаланиб, ишга туширилди. Суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар ҳажми камайди, ер ости сизот сувлари мақбул сатҳга туширилди, ўртача ҳосилдорлик пахтада 3-4, галлада 4-5 центнергача кўпайди.

Сувни тежайдиган технологияларнинг жорий қилиниши натижасида сўнгги йилларда 6,0 минг гектар майдонга томчилатиб суғориш тизими курилиб муваффақиятли ишлатилиб келинмоқда. Эгатга плёнка тўшаб ва кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш технологияси 3,0 минг гектарга яқин майдонда қўлланилмоқда. Унинг асосий қисми пахта майдонларида.

Ҳукуматимиз томонидан 2013-2017 йилларда қўшимча 25 минг гектарда, шу жумладан янгидан барпо этиладиган бог-тоқорлар, сабзавот-полиэтилени етиштириладиган ерларда тўлиқ томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш режалаштирилмоқда.

## ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ

Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, суғориш ва зах қочирish тизимларини таъмирлаш-тиклаш, сув ҳўжалиги иншоотлари ҳамда насос станцияларини модернизация қилишда соҳага Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Саудия ривожланиш фонди, ОПЕК фонди, Кувейт фонди, Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки, Япония, Швейцария, Германия каби давлатлар ҳамда халқаро

## Тўхтагул СУВ ОМБОРИНИНГ ЭНЕРГЕТИК РЕЖИМДА ИШЛАШНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ



## СУВ ОМБОРЛАРИНИНГ ГИДРОЭНЕРГЕТИК РЕЖИМДА ИШЛАШНИНГ ОҚИБАТЛАРИ



Ёз ойларида сув танқислиги

Қиш ойларида сув босиши

ташкilotлар ва агентликларнинг сувни бошқаришдаги бир томонлама хатти-ҳаракатлари республикамиз сув таъминотида жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, Тожикистонда ва Қирғизистонда курилан Тўхтагул, Нурек ва Қайроқум йирик сув омборларининг ирригация режимидан энергетик режимга ўтказилиши дарёлар сув оқимининг ўзгаришига сабаб бўлди.

Маълумки, бундай ГЭСлар энергетик режимда ишлаганда, ёз ойида дарё сувлари сув омборида ушланиб қолинади, қиш фаслида эса, электр манбаини ишлаб чиқариш учун йирилган сув чиқариб юборилади. Натижада, қиш ойларида оқим бўйлаб пастда жойлашган мамлакатимизнинг айрим ҳудудларини сув босиши хавфи туғилса, ёз мавсумида сунъий сув тақчиллиги юзага келади. – дейди Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг сув ресурслари баланси ва сувни тежайдиган технологияларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Воҳиджон Аҳмаджонов. – Қўшни давлатларнинг сув омборларини энергетик режимда ишлашнинг куйидаги мисолларда аниқ кўришимиз мумкин. Сирдарё ҳавзаси бўйича: Тўхтагул сув омбори Норин дарёсида жойлашган бўлиб, 19,5 млрд.м<sup>3</sup> умумий сув сифимида эга. Бу, мазкур сув омборининг сув сифими Норин дарёсининг йиллик оқимидан 1,5 баравар ортиқ, дегани.

Тўхтагул сув омбори авваллари ирригация режимда ишлаганида: сув омборидан сув чиқариш суғориш мавсумида, яъни ёз ойларида 73 фоиз (8,5 млрд.м<sup>3</sup>), кўз ва қиш ойларида эса 27 фоиз (3,2 млрд.м<sup>3</sup>) ни ташкил қилиб, дарёнинг табиий режимига тўла

жойлашган қўшни давлатларнинг сувни бошқаришдаги бир томонлама, яъни ҳеч ким билан келишилмаган ҳолда Тўхтагул сув омборининг ишлашини энергетик режимга ўзгариштириди. Натижада, суғориш мавсумида сув омборига табиий равишда ўртача 9,4 млрд.м<sup>3</sup> сув келган бўлса, сув омборидан бор-йўғи, 5,3 млрд.м<sup>3</sup> сув чиқарилган! Қиш ойларида эса аксинча, сув омборига сув келиши 3,2 млрд.м<sup>3</sup>ни ташкил этгани ҳолда сув омборидан 8,2 млрд.м<sup>3</sup> сув чиқарилган. Оқибатда дарёнинг қуйи қисмида жойлашган Ўзбекистон ва Қозғистон давлатлари суғориш мавсумида 5,0 млрд.м<sup>3</sup> кам сув олмақда. Бу, агар янаям аниқроқ айтиладиган бўлсақ, Фарғона водийси вилотлари, Сирдарё, Жиззах вилотлари ва Тошкент вилотининг Бекобод туманлари, қўшни Қозғистоннинг бир қатор туманлари сув таъминотида жуда катта салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шундай қилиб, сув омборидан суткалик сув чиқарилишидаги кескин ўзгаришлар натижасида каналлар қирғоқлари ювилиб, бетон қопламалари емирилишига, сувдан самарали фойдаланиш даражасининг пасайишига, охири-оқибат давлатлараро сув таъминоти билан боғлиқ мавжуд вазиятнинг янада таранглашуви сабаб бўлмақда.

Амударё ҳавзаси бўйича: Нурек сув омбори Вахш дарёсида жойлашган. Умумий сув сифими 10,5 млрд.м<sup>3</sup> Тўғон баландлиги эса 300 метрни ташкил этиб, дунёдаги энг баланд тўғон ҳисобланади. Вахш дарёси сув ресурсларининг табиий режимини ирригация мақсадларда ишлатилишига мос келади.

Шунга қарамастан, 1992 йиллардан бошлаб Нурек ГЭСи сув омбори билан биргалликда тўлиқ энергетик режимда ишлаб бошлади. Сув омбори ёзда тўла

ҳажмгача сув тўлаб, қишда барча сув чиқариб юборилади. Масалан, сув кам бўлган 2011 йилнинг ёз даврини эслайлик. Амударёнинг қуйи қисмида қаттиқ сув танқислиги юзага келиб, хатто чорва молларини сув билан таъминлашда катта қийинчилик туғилди. Ваҳоланки, бу пайтда Нурек сув омборида 4,5 млрд.м<sup>3</sup> сув ушланиб қолинди. Бу билан Ўзбекистон ва Туркменистон учун келадиган дарёнинг суви шунча миқдорга сунъий равишда камайтирилди! Шу тариқа, юқоридаги икки давлатнинг суғориш мавсумида Амударёдан ҳар йили 4,0-4,5 млрд.м<sup>3</sup> кам сув олмақда.

Албатта, дарёларнинг табиий ҳолатини сунъий режимга ўзгариштириш, нафақат қишлоқ ҳўжалигига, балки республика аҳолисини сув билан таъминлашга, сув билан боғлиқ бўлган атроф муҳитга қаттиқ салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди, – дейди Ўзбекистон Республикаси табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитасининг ер ва сув назорати бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Нурмонжон Шокиров. – Яна шунини алоҳида таъкидлаш керакки, дарёда ёғи оқим ва сув сатҳининг кескин ўзгариши экотизимнинг издан чиқишига, чунинчи, дарёнинг қуйи оқимидан мавжуд кўпбал балиқ турларини йўқолиб кетишига ҳам олиб келмоқда. Бундай ҳолат сув тақчил бўлган 2000, 2001, 2008 йилларнинг вегетация мавсумида ҳам яққол кузатиладиган.

## ЙИРИК ГЭС ВА СУВ ОМБОРЛАРИНИ КЎРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР

Трансчегаравий дарёлар ҳисобланган Амударё ва Сирдарёнинг юқори оқимларида йирик гидроэнергетик объектларнинг курилиши, Осиё минтақасида шундоқ ҳам ўта нозик бўлган экологик вазиятни ва сув таъминотидаги мувозанатни бузиб, экологик инқирозни, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Президентимизнинг 2010 йил 20 сентябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТнинг «Минг йиллик ривожланиш мақсадлари»га бағишланган йилги ишларида бу мавзуда фоят ташвишланиб қилган нутқи кўпчилигимизнинг ёдимизда. Бу бежиз эмас. Чунки, йирик гидроэнергетик иншоотларнинг сейсмик юқори бўлган зоналарда курилиши келгусида техноген авариялар натижасида ишлаб чиқарилаётган ҳалокатларни келтириб чиқариши эҳтимолдан ҳоли эмас. Утган йилларда минглаб инсонларнинг ҳалокатига сабаб бўлган Япониянинг Фукусима АЭСида, Россиянинг Саяно-Шушенск ГЭСидаги техноген ава-

риятлар ёки Хитойнинг Хэнань провинциясидаги Бяньцзяо ва Шиманьтань сув омборларининг бузилиши оқибатида юзага келган аянчли ва ўта оғир вазиятлар бунга яққол мисолдир.

Қўшни давлатлар манфаатларига хизмат қилишига қаратилган трансчегаравий сув ресурсларининг табиий оқими ва режими ўзгаришига доир хатти-ҳаракатлар нафақат халқаро сув ҳуқуқларининг меъёрларига зид, балки инсонларга ва табиатга нисбатан бўлган умуминсоний тамойилларга ҳам қарама-қаршидир. Шу ўринда қатор саволлар туғилади: ни-мага асосланиб трансчегаравий дарёларнинг табиий гидрологик режими ўзгаришилади? Сунъий равишда ҳосил қилинган сув танқислиги ҳамда аҳоли пунктлари, экин ва чорва моллари майдонлари сув босишининг зарарини ким қоплайди?

Шубҳасиз, дунё ҳамжамияти томонидан трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш борасида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган халқаро ҳужжатлар бу саволларга жавоб бериши мумкин.

2007 йилдан буён Ўзбекистон БМТ доирасида қабул қилинган «Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофазат қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги ҳамда «Халқаро сув оқимларидан кема қатновисиз фойдаланиш ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенцияларга аъзо бўлган. Ушбу ҳужжатларда барча давлатларнинг манфаатларини бирдек ҳисобга олинган бўлиб, унинг асосий тамойилларидан бири, бу трансчегаравий сув ресурсларидан адолатли ва оқилона фойдаланиш ҳамда қўшни давлатларга «зарар етказмаслик» ҳисобланади.

Ушбу давлатлар келиб чиқиш, шунинг таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиё давлатлари ўртасида трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланиш минтақадиги барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олинган ҳолда, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва конвенцияларнинг тамойиллари асосида ташкил этилиши, трансчегаравий дарёларда йирик иншоотлар курилиши, албатта халқаро ҳолис экологик ва техник экспертизадан ўтказилиши ҳамда қўшни давлатлар билан келишилган ҳолдагина амалга оширилиши, аҳоли сонининг кескин суруятлар билан ошиши, эҳтиётларнинг кун сайин ортиши ҳамда иқлим ўзгаришининг таъсири натижасида сув ресурсларининг йилдан йилга камайиб кетаётганини ҳисобга олиб, сув ресурслари биринчи навбатда, ичимлик ва санитария мақсадларига, сўнг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ва экологик ҳолатни барқарорлаштиришга ва шундан кейин бошқа эҳтиёжларга берилиши керак.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги вазирлигидан ўтказилган Матбуот конференцияси ҳам айнан ушбу масала юзасидан республикада амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш, унинг мазмуни ва моҳиятини ОАВлари орқали кенг жамоатчиликка етказиш мақсадига қаратилди.

риятлар ёки Хитойнинг Хэнань провинциясидаги Бяньцзяо ва Шиманьтань сув омборларининг бузилиши оқибатида юзага келган аянчли ва ўта оғир вазиятлар бунга яққол мисолдир.

Қўшни давлатлар манфаатларига хизмат қилишига қаратилган трансчегаравий сув ресурсларининг табиий оқими ва режими ўзгаришига доир хатти-ҳаракатлар нафақат халқаро сув ҳуқуқларининг меъёрларига зид, балки инсонларга ва табиатга нисбатан бўлган умуминсоний тамойилларга ҳам қарама-қаршидир. Шу ўринда қатор саволлар туғилади: ни-мага асосланиб трансчегаравий дарёларнинг табиий гидрологик режими ўзгаришилади? Сунъий равишда ҳосил қилинган сув танқислиги ҳамда аҳоли пунктлари, экин ва чорва моллари майдонлари сув босишининг зарарини ким қоплайди?

Шубҳасиз, дунё ҳамжамияти томонидан трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш борасида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган халқаро ҳужжатлар бу саволларга жавоб бериши мумкин.

2007 йилдан буён Ўзбекистон БМТ доирасида қабул қилинган «Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофазат қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги ҳамда «Халқаро сув оқимларидан кема қатновисиз фойдаланиш ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенцияларга аъзо бўлган. Ушбу ҳужжатларда барча давлатларнинг манфаатларини бирдек ҳисобга олинган бўлиб, унинг асосий тамойилларидан бири, бу трансчегаравий сув ресурсларидан адолатли ва оқилона фойдаланиш ҳамда қўшни давлатларга «зарар етказмаслик» ҳисобланади.

Ушбу давлатлар келиб чиқиш, шунинг таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиё давлатлари ўртасида трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланиш минтақадиги барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олинган ҳолда, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва конвенцияларнинг тамойиллари асосида ташкил этилиши, трансчегаравий дарёларда йирик иншоотлар курилиши, албатта халқаро ҳолис экологик ва техник экспертизадан ўтказилиши ҳамда қўшни давлатлар билан келишилган ҳолдагина амалга оширилиши, аҳоли сонининг кескин суруятлар билан ошиши, эҳтиётларнинг кун сайин ортиши ҳамда иқлим ўзгаришининг таъсири натижасида сув ресурсларининг йилдан йилга камайиб кетаётганини ҳисобга олиб, сув ресурслари биринчи навбатда, ичимлик ва санитария мақсадларига, сўнг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ва экологик ҳолатни барқарорлаштиришга ва шундан кейин бошқа эҳтиёжларга берилиши керак.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги вазирлигидан ўтказилган Матбуот конференцияси ҳам айнан ушбу масала юзасидан республикада амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш, унинг мазмуни ва моҳиятини ОАВлари орқали кенг жамоатчиликка етказиш мақсадига қаратилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси сув ресурсларидан фойдаланиш борасида халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосидаги ўзаро ҳамкорлик тарафдор бўлиб, ўзининг барча эътибори ва сайъ-ҳаракатини умумбашарий манфаатлар билан боғлиқ масалаларда умуминсоний қадриятлардан келиб чиқишни оқлайди ва бундан кейин ҳам шу тамойилга содиқ қолади.

Обиддин МАҲМУДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

## Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

# «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2013 йил 2, 16, 23, 30 май ва 6 июнь кунлари бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади

Очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг куйидаги ҳўжалик жамияти устав фондидаги улushi қўйилмоқда:

№	Устав фондидаги улush сотилаётган ҳўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли	Устав фондидаги улush сотилаётган ҳўжалик жамиятининг		Савдога қўйилаётган улushнинг устав фондидаги фоизи (%)	Савдога қўйилаётган улushнинг бошланғич баҳоси	
		манзили	асосий фаолият йўналиши		Сўм	АҚШ доллари
1	«CITY PALACE» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Юнусовод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 15-уй.	Жамият уставидан халқаро меҳмонхоналар андозаларига жавоб берадиган меҳмонхоналар куриш, қайта куриш ва ундан фойдаланиш; меҳмонхона ишлари бўйича хизматлар мажмуини кўрсатиш; маблағларни меҳмонхоналар, савдо ва сайёҳлик, курилиш индустрияси каби турли лойиҳа ва дастурларга йўналтириш; савдо-воситачилик операцияларини амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириш, шунингдек, жамият белгиланган тартибда қонун билан тақиқланмаган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши белгиланган.	100 %	91 310 397 000,0	47 101 205,51

## Очик аукцион шартлари:

Очик аукцион голиби улushнинг сотилиш баҳосидан 15 фоизи миқордаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг, бўнак пули сифатида, қолган қисмини бир йил муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентда) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Узмилибанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект, меҳмонхона фаолиятини тиклаш мақсадига киритилган маблағларни харидор томонидан белгиланган муддатларда тўла бериш шарти билан сотилади.

Савдо голиби савдо кунидан бошлаб йилгирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаши лозим. Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномасини расмийлаштиришдаги тўловлар, очик аукцион савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Очик аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жимсоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Талабгорлардан бюортномаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтаилади.

Очик аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан савдога қўйилган улush бошланғич нарҳининг 2 фоизи миқоридан закат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотeka-банк» Шайхонхожур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўлашни шарт.

## Реклама

Ушбу банк улushi сотилаётган корхона билан яқиндан танишиш истагида бўлган талабгорлар, унинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Очик аукцион савдолари белгиланган савдо кунлари соат 15-00да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали) манзилида бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

Сотувчи (Банк): Тошкент шаҳри, Юнусовод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 101-уй; телефон: 234-11-22, 234-15-60; телефакс: 234-43-31.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS\_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ томонидан 2013 йил 28 феврал кунини ўтказилган аукцион савдоси натижасига кўра, Ўзбекистон Президентини суғоришдаги стратегик ва минтақаларо тадбиркорлик инноватив балансидаги д/р О1/310BCA бўлган «ГА3-31105» 12 100 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома №005357

# «ОРЗУЛАР УШАЛАДИГАН ЮРТ ФАРЗАНДИ ЭКАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН»

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети «Таржима назарияси ва амалиёти» таълим йўналиши 4-курс талабаси, Президент Давлат стипендияси соҳибаси Наврўза Яхёева ҳаяжон билан айтган бу сўзлар унинг барча тенгдошлари кўнгли изҳори десак тўғри бўлади.

Янги давр янги номларни кашф қилади. Мустақиллик йилларида юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилганлигини учун ёшлар ўз иқтидорини намойиш этишига кенг имкониятлар яратилди. Бунинг натижасида фарзандларимиз халқроқ фан олимпиадалари, мусиқа ва санъат фестиваллари, кўрик-танловлари, спорт мусобақаларида буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари эканликларини намойиш этиб, Ватанимиз шайини улутламоқда. Ана шундай салоҳиятли ёшларимиздан бири Наврўза Яхёевадир.

— Юртимизда Наврўз умумхалқ байрами сифатида илк бор нишонланган кунда туғилганман. Шунинг учун болалигимдан пойтахтимизда ўтказиладиган Наврўз тантанасида қатнашишни орзу қилардим, — дейди Наврўза. — Орзуим ушалди! Устозларим ва курсдошларим билан Наврўз байрамида иштирок этдим. Биласизми, худди бошқа бир оламга тушиб қолгандек бўлдим. Майдоннинг безатилиши, одамлар юз-кўзларидаги хурсандчиликни кўриб қаттиқ ҳаяжонландим. Президентимизни кутиб олиш учун майдон оёққа турганида юрагим қувончдан ҳаприқиб кетди. Шундоқ тантанали байрамда Президентимизни ўз кўзим билан кўриб, байрам табригини эшитаётганимдан қалбим фахр-ифтихорга тўлди. Айниқса, Юртбошимизнинг «... Опа-сингилларимизга, кўзлари ёниб турган,

халқимизнинг таянчи ва суюнчи бўлиши навқирон ёшларимизга — менинг фарзандларимга ўзимнинг чуқур меҳрим, севги ва ҳурматимни изҳор этаман», деган сўзлари худди менга айтилаётгандек туюлди. Бу сўзлардан бошимиз осмонга етди, гурурландик. Аммо бу ишонч бизга катта масъулият ҳам юклайди. Утаётган кунларга янада талабчанлик билан ёндашишга, янада чуқурроқ билим олишга, малакамизни тинмай ошириб боришга ундайди. Президентимизнинг юксак ишончларини оқлаш учун, халқимизга таянч ва суюнч бўлиб этишиш учун астойдил интиламан.

Янги даврнинг фарзанди бўлган Наврўза Мустақилликнинг тоза ҳавосидан нафас олиб улғайди. Аввал ўзи туғилган Сирдарё шаҳридаги инглиз тилини ўргатишга мўлжалланган боғчада тарбия олди,

кейин 1-рус тилига ихтисослаштирилган умумтаълим мактабидан ўқиди. Таълим тизимининг ўрта буюми сифатида белгиланган Сирдарё саноат касб-хўнара коллежидан тахсилни давом эттирди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига ўқишга кирди. Наврўза қаерда таълим-тарбия олмасин фанларни аъло баҳоларга ўзлаштирди, она тилимиз билан бир қаторда чет тилларини ўрганди, маънавий дунёсини бойитиш мақсадида газета-журналлар ва китоблар ўқиди, фан олимпиадалари, кўрик-танлов ва жамоат ишларида фаол қатнашди. Равон нуқти бўлгани учун 4-синфда ўқиб юрган даврдан тadbирларда бошловчилик қилиш унга ишониб топширила бошланди.

Университетда ўқиш даврида асосий йўналиши инглиз тилидан ташқари иккинчи тил сифатида япон тилини танлади ва шу халқнинг ҳаёт тарзини ўрганди. Интилишлари самарасини берди ва 2010 йилда Япония «Этнолингвистика» томонидан ўтказилган «Нотиклик санъати» танловига ғолиб бўлди. Утган йили у Мустақам оила йили муносабати билан ташкил этилган республика танловида совриндорлар қаторидан ўрин олди. Наврўза асосий йўналиши — инглизча идиома(ибора)ларнинг адабий асарларда қўлланиши бўйича

изланишлар олиб бориб, 8 та илмий мақоласини чоп эттирди ва улар мутахассисларда қизиқиш уйғотди.

Утган икки йил ичида у хоризлик давлат ва жамоат арбоблари, таниқли олим мутахассислар иштирокида пойтахтимизда ўтказилган ўрта нуфузли халқроқ анжуманда таржимонлик қилиши Ватанимизга бўлган меҳр-муҳаббатининг кучайишига, ўзига нисбатан талабчанлиги ошишида муҳим омил бўлди. Наврўзанинг рус, инглиз ва япон тилларини чуқур билиши, ўзбек қизларига хос ҳаёси ва зукколиги анжуманларда иштирок этган хоризлик меҳмонларидан ўзбекистонлик ёшларга бўлган ҳурматни ошириб юборди.

Обод турмуш йили Наврўза учун қувончли хабар билан бошланди. У 2012/2013 ўқув йили учун хоризий тиллар таълим йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига муносиб кўрилди.

Ҳозирги кунда Наврўза Ўлмас Умарбековнинг «Қизимга мактублар» асари бўйича таржима ва тадқиқотлар олиб бориб, диплом ишини тайёрлапти. Биз унинг келажақдаги режалари билан қизикдик.

— Билимим ва малакамим ошириш учун, албатта магистратурада ўқишимни давом эттираман, — деди у. — Ўқувчилик йилларимдан аме-



рикалик Хиллари Клинтон, германиялик Ангела Меркелнинг халқроқ дипломатик муносабатларига оид маълумотларни қизиқиб кузатаман. Улар мамлакатни учун фойдали битимлар имзолаганини эшитганимда, шундай урдабурон, дипломат аёлларга ҳавасим келиб кетади. Шу боис Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг магистратурасига ўқишга кирмоқчиман. Келгусида халқимиз манфаатини халқроқ майдонларда шараф билан ҳимоя қила оладиган дипломат бўлишни орзу қиламан.

Биз орзулар ушаладиган юртда ва хур замонда камолга етаётган билимга чанқоқ, изланувчан, истеъдодли Наврўза ва унинг тенгдошлари эзгу ниятларига албатта етишига ишонамиз.

Асрор МҮМИН

## Футбол

Ўзбекистон миллий терма жамоаси:

## ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

26 март куни Ўзбекистон миллий терма жамоаси Тошкентда Ливан футболчиларига қарши майдонга тушди. Бу янги ва замонавий «Бунёдкор» стадионда ўтказилган илк расмий учрашув эди. Уйиннинг дастлабки бўлимида ҳар икки жамоа ҳам майдонда жуда эҳтиёткорлик билан тўп сурди. Гарчи, унда хавфли вазиятлар кам яратилган бўлса-да, учрашувнинг ҳар бир лаҳзаси футбол ишқибозларини ҳаяжонга солди.

Танафусдан сўнг, бош мураббий Миржалол Қосимовнинг таркибда бир неча ўйинчиларни алмаштирганлиги ва амалга оширган тактик ўзгаришлари Ўзбекистон терма жамоаси ўйинига шиддат олиб кирди. 63-дақиқада жамоа сардори Сервер Жепаров йўллаган зарба рақиб ҳимоячиларидан бирига теккан ҳолда дарвоза тўридан жой олди — 1:0. Учрашув охиригача мазкур ҳисоб сақланиб қолди. Ушбу галабадан сўнг терма жамоасини очқолари сонини 11 тага етказиб, ўз гуруҳидаги пешқадамлик мавқеини сақлаб қолди.

— Ҳаётимизнинг олдидан маълум эди, — деди учрашув тугагач, бош мураббий Миржалол Қосимов. — Иккинчи бўлимда захирадан майдонга тушган футболчилар ўйинчиларини қучайтира олдилар. Бугунги галаба билан ҳамма-ҳамmani табриқлайман.

Гуруҳнинг иккинчи баҳсида Жанубий Корея футболчилари қатарликларни енгди — 2:1.

### «А» гуруҳидаги вазият

	У	Ю	Д	М	Т	Н	О
1. Ўзбекистон	6	3	2	1	6	4	11
2. Ж.Корея	5	3	1	1	11	5	10
3. Эрон	5	2	1	2	2	2	7
4. Катар	6	2	1	3	4	7	7
5. Ливан	6	1	1	4	2	4	4

Ҳаётимизнинг кейинги учрашувини 11 июнь куни сафарда Жанубий Корея терма жамоасига қарши ўтказса, 18 июнда гуруҳнинг охириги ўйинида Тошкентда Қатар вакиллари қабул қилади.

Эркин ХОЛБОБОВ

## Таълим ва ислохот



## ТОҒЛАР УЗРА ҚАД РОСТЛАГАН МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Шаҳрисабз Ўрмон хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-хўнара коллежининг муҳташам уч қаватли биноси «Хитой» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли 17 та қишлоқ аҳолисига яққол кўринади.

Илгари ҳудуддаги 10 та умумтаълим мактабининг 300-350 нафар битирувчиси ўқишини давом эттириш учун анча узокда жойлашган коллеж ёки лицейга қатнардди. Энди улар қишлоқлар ўртасида бунёд этилган 360 ўринли, замонавий техника воситалари билан жиҳозланган, ўқув лабораториялари, компьютер, лингафон, амалиёт хоналарига эга мазкур коллежда ўқишлари мумкин. Шунингдек, коллежда ахборот-ресурс маркази,

зи, шинам спорт зали ва майдонни, 50 ўринли ўқувчилар турар-жойи ҳам бор.

— Коллеж қурилиши учун Қамар қишлоғидаги баландлик танланди, — дейди «Хитой» ҚФЙ раиси Абдусалом Ҳимматов. — Бу коллежни қуриш учун 3 миллиард сўмдан кўпроқ давлат маблағи сарфланди. Шунингдек, қишлоқларимиз аҳолисининг каттаю кичиги «Шу коллежда ўзимизнинг фарзандлар ўқийди», дея қўлидан келганча ёрдам бер-

ди, ҳаётларда иштирок этди.

— Шу жойда уч қаватли коллеж биноси қурилади дейилса, ҳеч ким ишонмасди, — дейди коллеж директори Тўлқин Шомуродов. — Коллежимизда тикув ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш механизми, компьютерларни созлаш ва таъмирлаш техникни, ўрмон хўжалиги техникни, қишлоқ хўжалиги машина жиҳозлари тикшиш ва хизмат кўрсатиш механизми мутахассислари тайёрланмоқда.

Қишлоқда янги коллеж биносининг тантанали очилиш маросими Наврўз байрами шодийналарига улашиб кетди.

Сарвиноз ИСМОИЛОВА

## Реклама

### ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

## УПРАВЛЕНИЕ КАПИТАЛЬНОГО СТРОИТЕЛЬСТВА МИНИСТЕРСТВА ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

### ОБЪЯВЛЯЕТ ПОВТОРНЫЕ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ НА:

1. Войсковая часть 7533 в г.Карши — ядро. Караульное помещение с караульным городком, склад АТВ, склад АТИ, склад вещевого, уборная на 40 очков, банно-прачечный комбинат на 25 кг (250 человек) белья в смежу, контрольно-технический пункт на один проход, закрытый навес на 20 единиц техники с боксами, тир на 50 метров, инженерные сети, благоустройство, ограждение в г.Карши Кашкадарьинской области, строительство модульной котельной военного городка в/ч 7533 в г. Карши — ядро Кашкадарьинской области, строительство клуба на 200 мест военного городка в/ч 7533 в г. Карши — ядро Кашкадарьинской области, строительство столовой на 200 пос.мест военного городка в/ч 7533 в г. Карши — ядро Кашкадарьинской области.

Срок окончания работ, установленный заказчиком, — 420 дней. Стартовая стоимость — 5.451.060.134 сума без НДС, 6.541.272.160 сумов с НДС.

2. Пункт боевого питания, территории для инженерной, тактической, генеральной, спортивной и ЗОМП подготовки в г. Карши войсковое стрельбище МВД.

Срок окончания работ, установленный заказчиком, — 180 дней. Стартовая стоимость — 565.175.079 сумов без НДС, 678.210.094 сума с НДС.

Финансирование осуществляется за счет госбюджета.

Заказчик: Управление капитального строительства МВД РУз.

Адрес: г.Ташкент, ул. Усман Насира, тупик - 1, дом 9. Тел.: (8371) 254-79-42

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.

Срок реализации конкурсной документации составляет 13 дней со дня публикации объявления.

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов — ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 15 дней после опубликования объявления в здании организатора торгов.

Предприятия и организации, выступавшие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ, обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской пра-

воспособностью и полномочиями на заключение договора. Также должны иметь лицензию для участия на оборонных объектах (Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №283 от 4.10.2012 г.)

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые предпочтения: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов — в Кашкадарьинской области территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве, по адресу — г.Карши, Ханабдское шоссе, дом 46а.

Тел./факс: (8-375) 224-05-24, 224-09-06, 224-18-33.  
 Стоимость одного комплекта документов — 120 000 сумов.



«Ўзвиносаноат-Холдинг» компанияси барча тадбиркорларни компания кооперация-кўргазмасининг доимий ишловчи экспозициясига таклиф этади.

Иш тартиби: душанба-жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.  
 Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6.  
 Тел.: 244-39-47, 244-50-54.

### MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

### ТАНРИР НАҲ'АТИ:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihidin
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	MUHIDDINOV
Sharbat	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV
ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV

### BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vakolatparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

### MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
 Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.  
 «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.  
 Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.  
 Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 346  
 20311  
 nuxxada bosildi.  
 «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.  
 Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.  
 Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Toshtemir XUDOYQULOV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5